



KO'NGIL SARHISOBI

ДАВРОН ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ

Ишни тезроқ битириш учун шошиб борар эканман, ял-ял товланаётган арча рўпарамдан чиқади. Ҳозирдан арчани безаб қўйишибди-да, деган ўйда эшик туткичидан тортаман. Ичкаридан гармсел самолони ёлга соладиган иссиқ ҳаво юзимга урилади. Хона байрамона безатилган.

Қалбим шодланади. Яна бояги шижоат ила йўлимда давом этдим. Хонанинг нариги томонидида эшикдан мўл-қўл ҳовлига чиқиб, ишбитар манзил томон ошиқаман. Ҳаёлимда эса, ял-ял товланаётган арча. Янги йил келибди-да?!

Бинодан қайтиб чиқишда бояги арча қаринида паршонхотир туриб қоламан. Кўпчилик қатори Янги йилни дам олиш кунларининг бири сифатида қабул қилиб, Қорбобога ишонмай қўйганимга анча бўлган. Аммо шу чоғда кўз ўнгимда мўъжиза содир бўлади. Одам бўйи баробар арча — умр дарахти, унинг қатта-кичик чироклари туйғулар мисоли кўрина бошлади.

Арча тағида турган мингта кизил чирок болалар орузми — тепкисини боеса ўзи юрадиган

машина. Худди светофорнинг тақик чироғига ўхшайди — АРМОН!

Ипга тизилгандек қатор жойлашган кизил чироклар пастдан тепага қараб қатталашиб бораверади. Уларни кўрганда ҳаёт ушалмаган орузлар йиғиндисидек туюлади. Айни дамда арчадаги олтинранг чироклар диққатингни тортлади. Рост, ҳаёт фақат армондан иборат эмас! Унда УМИД деб аталмиш гўзал туйғу ҳам бор. Шу ҳақда ўйлаб, умр дарахтидан сарик — умид чирокларини ахтараман. Хув ана, улар энг тепада жойлашган. Кўзни камаштиради-я. Лекин қўйига қараб кетган сари хиралашиб боради. Беихтиёр умид ҳам қачондир армонга айланиши мумкинлиги хақида ўйлаб қоласан.

Йўқ, ҳаёт фақат умиду армонлардан иборат эмас! Унда ОРЗУ дея аталмиш мўъжиза бор. Инсон орузсиз яшай оладими, ахир?! Арча ҳам ундан ранг олган — ЯШИЛ!

Машҳур ʻзувчи Эрнест Хемингуэй қатъий ишонч ила: “Инсонни енгиб бўлмайди!”, —

деган эди. Ҳаво қанчалик совуқ бўлмасин, арча яшил тусини йўқотмагани каби инсон ҳам ОРЗУлари ила доимо тетик...

— Тинчликми? Нега туриб қолдингиз? — деган саволдан хушёр тортаман. Овоз келган томонга буриламан. Рухсатномани текширадиган аёл менга ажабланиб ва айни чоғда оғриб қарайди. У совуқдан қалтирайди. “Иситгининг гармсел самолонига ўрганиб қолибди-да”, дея унга ачинаман. Аёл эса, бояги саволни такрорлайди.

— Арча, — дейман тугилиб, — чиройли безатилган экан...

— Умрингизда биринчи марта кўряпсизми?

У энди иссиқ ўрнидан кўзғатганим учун ранжиганини яшириб ўтирмади. Узр сўрагандек нигоҳимни олиб қочаману, индамай йўлимда давом этаман. Ортимдан эшикнинг шарақлаб ёпилгани эшитилади. Ҳаёлимда эса, Ҳазрат Навоийнинг мисраси чарх уради:

*Кўзларимнинг олдига
даврон қизил, сориг, яшил...*

БОБОРАВШАН

SHU SONGA XABAR

ЙЎЛГА ЧИҚДИ СОВҒАЛАР



Янги йил байрами арафасида бола-жонларга “Президент совғалари”ни улашиш юртимизда ўзига хос эзгу аянгага айланган.

Аянгага мувофиқ, куни кеча 28 турдаги ўқув-курслари ҳамда ширинликлардан иборат 1 минг 629 дона совға тўплами ортилган юк машинаси Тош-



кент, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари томон йўлга отланди.

Яна 6 минг 468 та “Президент совғаси” самолётда Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга етказиб берилди.

Совғалар ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг фарзандларига байрам талбирлари чоғида тантанали равишда топширилади.

Ш.ЭРКИНОВ

MUNOSABAT

КИТОБНИ ТАНЛАБ ЎҚИНГ



Китобларни танлаб ўқишни, аввало, болаликдан бошлаш лозим. Ҳазрат Алишер Навоийнинг таржимаи холидан биламизки, у Фаридуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асарини хатм қилганида беш ёшда эди. Ушбу китоб таъсирида бўлажак шоир руҳиятида ўзгаришлар бўлаётганини пайқаб ота-онаси шу асарни ўқишни таққилайди. Холбуки, ёш Алишер бу асарни аллақачон ёд олиб бўлган эди...

Дунё микросида тан олинган ва ўқилаётган “Минг бир кеча”, “Қалила ва Димна”, “Чор дарвеш” каби халқ ижоди ёки “Декамерон”, “Азизим”, “Ёлғизликнинг

юз йили”, “Тинч Дон” каби жаҳон адабиёти дурдоналарида ёш болалар ҳазм қилиши қийин бўлган сюжетлар учрайди. Аммо бу асарларнинг қиммати, яшовчанлигига заррача таъсир кўрсатмайди. Гап шундаки, қаҳрамонларнинг мураккаб тақдирини, улар қилган хатолар фонида маълум бир давр ёки жамиятдаги ҳолат тўлақонли очиб берилди. Бундай тасвирлар китобхон онгига таъсир кўрсатиши турган гап. Демак, жиддий асарларни тушуниш, тўғри қабул қилиш учун китобхон маълум бир ёшга етган бўлиши керак.

Таърибасиз, хали турмушнинг паст-баландини англамаган, бир сўз

билан айтганда, вояга етмаган болаларнинг бундай асарларни рисоладагидек тушуниши ва ҳазм қилиши мушкул. Натijaда уларда нотўғри тушунича ҳамда фикрлар пайдо бўлади. Бу барчага аён ҳақиқат.

Умуман олганда,

ОДАМЛАРНИ ТЎРТ
ТОИФАГА АЖРАТИШ
МУМКИН. БИРИНЧИ-
СИ — КИТОБ ЎҚИШНИ
ХОҲЛАМАЙДИГАНЛАР,
ИККИНЧИСИ — КИТОБ
ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙДИ-Ю,
ЛЕКИН ТЕЛЕФОН, ПЛАН-
ШЕТ, КОМПЬЮТЕРЛАР-
ДАН БЎШАМАЙДИ,
УЧИНЧИЯСИ — ҚЎЛИ-
ГА ТУШГАН КИТОБ-
НИ ЎҚИДИГАНЛАР,
ТЎРТИНЧИ ТОИФА —
ҲАҚИҚИЙ КИТОБХОНЛАР,
ЯЪНИ КИТОБНИ ТАНЛАБ
ЎҚИДИГАНЛАР.

(Давоми 3-саҳифада)

АҚЛ, ҒОЯ ВА ТАФАККУР ФЕСТИВАЛИ



Турсунбой Абдулбориев Наманган шаҳридаги 79-мактабнинг 4-синф ўқувчиси. У техника соҳасига қизиқади, бутун ҳаёли ангиллик яратиш, ихтиролар қилиш билан банд. Бутун Турсунбой ясаган “Ақл — бойлик элчиси” деб номланган электрон ўйинчок “Болалар техник ижодкорлиги” республика фестивалининг электрон ўйинчоклари йўналиши ғолиби бўлди.

— Бу ақлли ўйинчок икки ва ундан ортиқ вазифани бажаради, — дейди ёш ихтирочимиз. — Ўйинчок болаларни билим олишга, топқирликка ўргатади. Электрон ўйинчок тутғачасини боссангиз, чархпақлак айланади. Сўнг сиз унинг саволларига жавоб беришингиз лозим бўлади. Тўғри жавоб берсангиз, ғалаба мусиқиси янги-

райди. Ўйинчок турли ёшдаги болаларга мўлжалланган. Саволларини осонлаштириш, мураккаблаштириш, ёшга ва соҳаларга мослаштириш мумкин. Келгусида халқаро танловларда ҳам қатнашмоқчиман.

Тошкент политехника музейи кўргазмалар залида “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган “Болалар техник ижодкорлиги” республика фестивали Турсунбой Абдулбориевнинг “Болалар техник ижодкорлиги” республика фестивалининг электрон ўйинчоклари йўналиши ғолиби бўлди.

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси, болалар бадий жамоалари чиқишлари ташкил этилди ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Фестивалда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчилар авто-модели, авиаракетамодел, робототехника, техника ва элек-

трон алоқа, информатика каби бешта йўналиш бўйича иштирок этди, — дейди “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази директори Хадича Зокирова. — Мамлакат босқичига етиб келган 70 нафардан зиёд иштирокчи ишларининг барчаси ўзига хос, бирор аниқ муаммолар ечимига қаратилган. Айниқса, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган вилоятлардан келган иштирокчиларнинг ишлари долзарблиги билан эътиборимизни тортди.

Тадбир якунида фестиваль ғолиблари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Инобат АХАТОВА,
ЎЗА мухбири

ESHITDINGIZMI?

ФАРҒОНАДА

“Fergana-bookland” деб номланган электрон кутубхоналар тармоғи яратилмоқда

Бу эзгу ташаббусга Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ҳамда Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорликда қўл урган. Янги лойиҳа аҳолига 200 дан зиёд электрон китобдан фойдаланиш ва вилоят кутубхонасининг электрон базасига кириш имконини беради.

Ҳозиргача Фарғона халқаро аэропорти, Марғилон темир йўл вокзалида, Фарғона шаҳридаги автобус бекатларидаги махсус таблоларга ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдона асарларининг электрон нусхалари жойлаштирилди. Уларга вилоят харитасининг электрон кўриниши, тарихий ва туристик масканлар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш ҳам кўзда тутилган. Яқин истиқболда электрон таблолар меҳмонхона ва сайёҳлик объектларида ҳам ўрнатилди.

Мухлиса ХЎЖАЕВА





TASHABBUS

ҒАМ КЎРМАГИН, БОЛАЖОН!

Э.АБДУЖАББОРОВ



фарзандлари, ёрдамга мухтож бемор болалар ҳолидан ҳам хабар олинмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш керак, жорий йил мобайнида Ёшлар иттифоқи томонидан ҳудудларда 833 нафар ёшга ногиронлик аравачаси, 124 нафарига эшитиш мосламаси, 498 нафар хастага зарур дори-дармонлар бепул тақдим этилди. Қолаверса, 66 нафар тенглошимиз операция килдирилган. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

Янги йил муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Биз сен билан биргамиз!" хайрия акциясини ўтказмоқда.

Шу кунгача ташкилот фаоллари Республика гематология ва кон куйиш, шунингдек, Онкология илмий текшириш институтларида бўлиб, оғир хасталиқдан даволанаётган юз нафарга яқин ўғил-қизга байрам совғаларини тарқатди.

Корбобо, Қорқиз, эртак қахрамонлари иштирокидаги томоша ва концертлар кичкинтойларга бир олам қувонч улашди.

Акция доирасида Тошкент вилоятидаги кам таъминланган оилалар



YOSHLIK ILHOMI

ҚИШНИНГ "ШЎХЛИГИ"

Дилфуза АШУРБОЙ қизи

Нихоят, қиш ҳукмронликни ўз қўлига олди. Совуқдан эт жунжика бошлади. Қор ҳам ўз вазифасини ортиғи билан бажармоқда. Она замин оппоқ либосга бурканган. Хавода ўйноқлаётган қор парчалари кўча-кўй, дов-дарахтлар, иморатлар устига ёнбошлаб олмоқда. Арчанинг яшил туси ғашини келтирган чоғи, унинг япроқларини беркитишга уринмоқда.

Қор Қишга: "Энди бизнинг даври-даврон келди, ўзимизни бир кўрсатиб қўяйлик-а", — деди. Икковлон уч фасдан эсон-омон ўтиб олган табиатнинг жигига тегар, лекин қанча шовқин-сурон солмасин, табиат сокин тин оларди.

Шу он Қор Қишнинг ёнига югуриб келиб:

— Хожам, бир жойини кўрдим, у ерда тумонат одам йнгилиб, базму жамшид килмоқда. Узун йўлак ўртасига мухташам арча ўрнатилиб, келинчакдек ясалтилган, — деди.

— Йўг-е, шундайми?! Тезда шамолни чакир, бизни ўша жойга элтиб қўйсин.

Шамол уларни бир пуфлаб тегишли манзилга етказиб қўйди. Қор ва Қиш атрофни кузата бошла-

ди. Ҳақиқатан ҳаммаёқ чиройли. Ранг-баранг чироклар, пуфаклар, ял-ял ёнаётган арча ўйинчоклари, хавода ҳилпираб турган турли тасмалар — барчаси кўзни қувнатади. Бу гўзалликни кўрган шоввозлар хайратдан "музлаб" қолаёзди. Нималар бўлаётганини билиш учун йнгирилганлари сўроққа тутди. Қиш пуфаклардан сўради:

— Ҳой, сен бу ерда нима қил-япсан?

— Янги йил байрамини нишонлаш учун келдим.

Рангли чирокка қараб:

— Сен-чи, нега бунчалик жон қуйдирмасанг?

— Мен ҳамма байрам нафасини ҳис этишни ва бундан завқланишни истайман. Борлик турфа рангларда

жало қишнинг

жало сочса қандай яхши-я!

Сўнгра Қиш арча ўйинчокларига юзланди:

— Ҳой, муддаонгиз нима?

— Янги йил шуқухини олиб келдик. Болалар бизни кўриб роса суюнди. Аслида бизга шу керак-да.

Барчани тинглаб бўлгач, Қиш чуқур ўйга толди, қилган безорилиғи ва шўхлиги учун уялди. Кейин Қорга буюрди:

— Қани, Янги йил байрами янада файзли ўтишига биз ҳам ҳисса қўшайлик. Ахир, бу бизнинг ҳам шодиёнаимиз. Тезда атрофни оқ тусга бурқаб, оламга гўзаллик бахш эт. Ҳа, айтганча, тантанамизга Қорбобо ва Қорқизни чақириш эсингдан чиқмасин. Улар, албатта, совғалари билан келсин.

Мана энди, ҳаммаси ўз жойига тушди. Биздан эса, эски йилдаги гина-аразларни унутиб, яқинларимизни байрам билан қутлаш талаб қилинади, холос. Янги йил — оилавий байрам. Барчанинг юраги қувонч ва ҳаяжонга тўладиган кун. Бу кун нафаси яна бир йил кўнгилларини гўзаллик нурули ила тўйинтирсин. Байрамнинг муборак бўлсин, азизлар!

Алишер ХУДОЙБЕРГАНОВ

Унинг доирасида Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари учун "Янги йил муборак!" деб номланган сахналаштирилган байрам кечасини ташкил этди.

Тадбирини туман ёшларининг етакчиси Озода Рўзимова очиб бериб, болаларни Янги йил билан қутлади. Сўнгра Иттифок лойиҳаларида фаол иштирок этиб, иктидорини намоён этган йигит-қизлар, шунингдек, ижтимоий ҳимоюга мухтож оилалар фарзандларига эсдалик совғалар топширилди. Ёш эстрада хонандалари ижросидаги шўх тароналар барчага завқ улашди.

МЕЪЁР, МИҚДОР, МАСЪУЛИЯТ

мутахассислар Янги йил олдида қандай тавсиялар бермоқда?

Янги йил орзу-умидлар палласи. Эски йил билан хайрлашишга ҳам, янгисини қарши олишга ҳам беихтиёр тайёргарлик кўрасан, киши. Хаёлингга кўп-кўп режалар чарх уради. Ҳар ким келаётган йилда тани жони соғ бўлишини, рухий мўътадиллик ва иқтисодий барқарорликни истайди. Бу мақсадларга эришиш осон эмас. Байрам арафасида мутахассислардан сиз, азиз муштарийларга асқатадиган фойдали маслаҳатлар олишга уриндик.

АВВАЛ ТАОМ...

Янги йил дастурхонида маза-ли егуликлар бўлиши керак, факат меъёрда. Аке ҳолда, саломатлигингизга жиддий зиён етиши ҳеч гап эмас, — дея огоҳлантиради Тошкент тиббиёт академияси профессори, тиббиёт фанлари доктори Гули ШАЙХОВА. — Гастрит ҳамда ошқозон шираси нордонлиги ошган беморлар сирка, майонез ёки томат пастаси аралаштирилган, маринадланган, дудланган махсулотлар ҳамда спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан тийилгани маъқул.

Яхшиси, дастурхонга буг ёки газпечда гўшт ва балиқдан тайёрланган таомлар тортинг. Ширинликлар ўрнига мевалар қўйинг.

Ошқозон шираси нордонлиги пасайган инсонларга хамиртуруш кўшиб пиширилган пирог ва булочкалар ейиш тақиқланади. Кўнгли туссаганда пишлок, жигар паплетти



ёки балиқ икрасини тановул қилиш мумкин. Қайнатилган сабзавотлар, помидор, тухум ва кўкатлардан газак тайёрласангиз ҳам бўлади. Ичимликлардан мевали шарбатлар, наъматак дамламаси ёки лимонли чой тўғри келади.

Холестит, гепатит ва панкреатит билан оғриган беморларга ёғли овқатлар мумкин эмас. Курка, товуқ ва бузоқ гўшти ҳамда балиқнинг ёғсиз жойи лимон шарбати билан аралаштирилиб, газпечда

пиширилса, аини муддао.

Буйрағи билан муаммоси бор одамлар, аввало, туз ва оксилга бой махсулотлардан тийилиши зарур. Таомномадан дудланган, консерваланган, маринадланган, шўр балиқ, қолбаса ва сосискалар, аччиқ егуликларни бутунлай чиқариб ташлаш керак. Фосфорга бой махсулотлар (жигар, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқ), шунингдек, таркибида калий мавжуд куруқ мевалар ва банан истеъмол қилиш жуذا фойдали.

КЕЙИН СОВҒА...



Маркетолог Абдулла ҚОСИМОВ байрам совғалари ҳақида янги йил қириб келишидан анча олдин бош қотиришни ва бу борада етти ўлчаб, бир кесишни тавсия қилади.

— Ҳаракатни тезроқ бошламасангиз, нарх-наво кўтарилиб, зарарга

қолишингиз мумкин, — дейди мутахассис. — Одатда ҳамюртларини Янги йилга ошхона буюмлари, идиш-товуқлар, сочиклар тўплами ёки маиший техника буюмларини сотиб олади.

Отангизга қўл соати, сифатли руч-

ка ёки блокнот совға қилганингиз маъқул. Саёхатни ҳуш қўралдиганларга сафар ёки тоғдаги сайр учун қўл келадиган турли ускуналар танланса, нур устига нур бўлади.

Янги йил арафасида аёлларимиз турмуш ўртоғини асосан иссиқ кийим ёки замонавий русумдаги телефонлар билан сийлайдиганга ўхшайди. Сабаби ҳозир айнан шу турдаги махсулотларга талаб ортган.

Аёллар учун эса, кўпроқ заргарлик ва косметика буюмлари, атирлар харид қилинмоқда.

Қанчалик парадоксал туюлмасин, Янги йилда айнан болажонларни қойиб қолдириш анча мураккаб. Ахир, совғаларни ҳаммадан ҳам кўпроқ улар қутади. Шу бонс, аввало, фарзандингиз нимани хохлашини аниқланг. Ёши ва қизиқишларини инобатга олинг. Байрам олдида пулт билан бошқариладиган ўйинчоқ автомобиль ёки вертолётлар, юмшоқ ва ашула айтадиган ўйинчоқлар кўп сотилмоқда.

BAYRAM SHUKUNI

ШЎХ ТАРОНА ВА КУЙЛАР

Эллиққалъа туманида "Камалак"дан Янги йил" лойиҳасига старт берилди



ВА КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИ

— Янги йилга режа тузишдан олдин мақсадларни аниқлаб олинг, — қайд этади психолог Азамат БАХРИДИНОВ. — Унутмангки, ҳар қандай орзу-мақсаднинг рўёбга чиқиши учун, аввало, ўзингиз масъул ва жавобгарсиз. Демак, кўпроқ ўз куч-салоҳиятигизга таънганингиз маъқул. Ва, албатта, меҳнатдан, ўқиб-ўрганишдан қочмаслик зарур.

Масалан, бу йили ўқишга қиролмадингиз. Кейинги йилдан қундалиқ тутинг. Унга мақсадларингизни бирма-бир ёзиб чиқинг. Агар



ёдимда сақлайман десангиз, ишончим қомилки, барчаси факат орзулигича қолиб кетади.

Оила қуриш оstonасида турган ёшларга маслаҳатим: ёрингизнинг қўнглини олинг, унга оила ва рўзгор ишларида елкадош бўла олишингизни исботланг.

Азизлар! Мақсадга бирданига эришман, деманг. Яхшиси, бу жараёни бир неча босқичга бўлиб, олдинга дадил қадамлар билан оидманг. Янги йилда сизга бахт ва омад ёр бўлсин!



ОНАГИНАМ, ОНАЖОНЛАРИМ!

Асад АСИЛ, ёзувчи

Аёллар, хусусан, оналар ҳақида ёзилган ижод махсуллари, радио, телевидение ёки интернет орқали ёритилган материалларга ҳеч бефарқ бўлмайман. 2018 йили “Кексалик гашти” журналининг 6-сонидан берилган “Бир кун” публицистикаси мени каттиқ ҳаяжонга солди. Муаллиф — Манзура Шамс материални йиғлаб-йиғлаб ёзган бўлса керак. Тўққиз фарзандли онажониси сермашаккат умри давомида ажойиб бир кун, яъни яхши кунлар келишини кутиб яшагани ишончли ва бор ҳақиқат. Айниқса, волидан мухтарам далада кун бўйи, кўпинча ярим тунга қадар қолиб кетадиган умрдошини мудом ширин табассум оғушида, кўлида тоза сочиқ, илик сувли човғум билан кутиб олиши кимни ҳам ҳаяжонлантирмайди, завқлантирмайди, дейсиз.

Бундай жумлаларни ўқир эканман, олис хотираларимда қолган икки мунис онажоним кўз ўнгимда аниқ-тиниқ жонланди. Зебунисо исми ўзига ярашган онажонимнинг олти фарзанди бор эди. Урганчаси — мени ўзига яқин кўрарди. Хали биронта-сининг ҳам роҳат-фароғати ё етмаган, қирқ икки ёшли меҳрибонимдан уч киз ва уч ўғил, энг кенжамиз икки ойлик етим қолганмиз.

Эсимни танибманки, онажонимга дастёр эдим. Бирок ўн тўрт ёшга тўлар-тўлмас ундан айрилдим! Гўёки устимга тоғ қулади, зимистонга чўмгандек эдим! Нодон ва шум болалар келтириб чиқарган фалокат, устига-устак, ёвуз одамлар таҳдидлари меҳригимни тубсиз жарга қулатган эди! Она деб аталмиш буюк зотнинг кадри ана шундан кейин очик-ойдин аён бўлди.

Шум етимлардан ҳамма ўзини олиб қоча бошлади. Ҳатто онажонимнинг кадрон дугонаси, менадан бир-икки ёш кичик кизчасини бешликларда таништирган, булар албатта бахтли бўлади, дея элу юртга овоза қилган дугонаси кизининг бўйи етгач, уни бадавлат хонадонга узатиб юборди. Мени гоят меҳрибон холаваччам — Тожинисо опамгина юпатарли: “Киз шўрлик узатилаётган чоғида бирам йиғлади-ей, бирам йиғлади!” Бунақа юпатиш, кўнглик кўтаришларга мен ишонмасдим. Чунки бу оламдаги энг ишончли, энг меҳрибон суячаним ва таянчим энди ёнимда йўқ эди!..

Дунё синов экан. Такдир деганлари чап юзинга тарсаки торта туриб, ўнг юзининг силаб-сийпаб қўяр экан. Менинг ҳаётим туну кун меҳнат ва имкон борича билим олиш билан кечди. Мактабда “аъло”дан ўзга баҳо олмадим. Тошкент давлат педагогика университетига бир уринишдаёқ кирдим, аммо кундузги бўлимда ўқиб насиб бўлди. Замона зайлини карангки, ўша даврда вилоятлардан келганларга на ётоқ, на стипендия берилар эди.

Олийгоҳни сиртдан бўлса-да, яхши ва аъло баҳолар билан тамомладим. Аммо олган билимларимдан кўнглим тўлмасди. Яна бир ҳаракат билан, ўтилмаган фанларни тўлдириб ҳисобига, Тошкент давлат университети филология факультетининг иккинчи курсига қабул қилиндим...

Бу воқеаларни майдалаб айтишдан мурод шунки, Яратганининг иродаси билан менинг бахтим айнан мана шу даргоҳда экан! Мухтасар қилиб айтман: диалектология дарсида ўқитувчи Карим Назаров шевалар хусусида дарс ўтар экан, бирдан шезр ўқиб қолди:

Рўмолим учди-кетди дайронинг шамолга,

Мани ёрим ташаб кетди нашанинг хуморига...

Залдаги юз нафардан зиёд талаба хайрон: “Домла бу билан нима демокчи...”

— Хайрон бўлманлар, — дея сўзида давом этди ўз касбининг моҳир билимдони ёқимли жилмайиб би-



лан. — Бу Бўстонлик шевасига хос услублардан бири. Жонли тилда бу метатега ҳодисаси дейилди. Масалан, дарё ўрнига дайро. Ким Бўстонликдан бўлса қўлини кўтарсин.

Мен ўрнимдан туриб, бизнинг туманимиздан яна кимлардир бормикан, деган илинжда атофга қарадим. Бир юз йигирма чоғли талаба орасида баланд бўйли, чакчок кўзли гўзал бир киз қўл кўтариб турарди!

— Буни каранг, бир киз билан бир йигит! — ёқимли жилмайиб билан бизларга ишора қилди домла. — Гапларим тўғрими?

Биз бараварига тасдиқладик. Домла Карим Назаров ҳам бир сабаб, аслида бизни Аллоҳнинг ўзи топиштириб қўйган эди! Айтмоқчи бўлган асосий фикрим шундаки, Бўстонлик туманининг Хондайлик ва Қорамозор кишлоқларидаги бу икки оила ҳар жиҳатдан бир-бирига яқин ва уйкаш эди. Икковининг ҳам оила бошлиқлари мудҳиш урушда катнашиб, яримхон бўлиб қайтган. Бизда-ку, сағир қолган уч ўғил ва уч кизни иккинчи онамиз ўз панохига олди. Мен танишган кизнинг оиласидаги ахвол эса, ўта мураккаб эди.

Мақоламиз бошида эслганим журналист Манзура Шамс оиласида тўққиз фарзанд, бизда олти ўғил-киз-

ни оналар умр бўйи азоб-уқубатда боқиб ўстирган бўлса, қорамозорлик Холшакар она ўн беш фарзандни дунёга келтирган, улардан тўрт нафари юқумли касалликлар туфайли нобуд бўлган...

Снаряд зарбидан баданлари илма-тешик холда урушдан қайтган Абдуразоқ ота дастлаб ҳеч бир ишга яроқсиз холда ётарди. Умрдошининг минг бир азоблар билан оила тебратаётганини кўриб, ўзини қаёққа қўйишни билмасди. Фақат бир воқеа вазиятни тамоман ўзгартириб юборди.

Онаёзор ҳар кун Оқсокота дарёсидан кечиб ўтиб, унумдоргина бир қияликда дехқончилик қилар, топган-тутганлари билан оила тебратарди. Баҳор кунларининг бирида маст туя онага ташланиб қолса бўладими! Туялар асосан баҳор фаслида қутуриб, оғизидан кўпик сачратганча дуч келган жонзотга хужум қилаверади.

Етиб олса борми, кўкси билан ерга пийпаб, эзиб-янчиб ташлайди. Туя қувлаганда кирга қочсангиз, унинг олдинги оёқлари қалта бўлгани сабаб, дарров етиб олади. Буни яхши билган онахон пастликка — Оқсокота дарёси томон югуради. Анча масофага югуриб келган туя тик қияликка туша олмади. Уйига аранг етиб олган шўрлик аёлининг ахвали чиндан ҳам хароб эди: сочлари тўзғиб кет-

ни ўзлаштирган ўн бир нафар фарзанд волидан мухтарамани бошига кўтариб, авайлаб-асрарди. Айниқса, ўғилларининг тўнғичи Абдужабор ака ва унинг доно, бағрикенг умр йўлдоши Икболлой опа кейинги барча эзгуликларга елкадош, таянч бўлди. Барибир онахон ҳаётининг охиригача меҳру саховатдан, бағрикенглик каби фазилатлардан айрилмади. Ҳаммамиз топармон-тутармон бўлганимизда ҳам онажонимиз озгинагина нафақасидан бир қисмини кўярда-қўймай кизининг қўлига тутқазарди: “Бектойинга ул-бул олиб берарсан...”

Хуллас, ҳар гал учрашганимизда уч киз ва бир ўғлимизга, ўғил фарзандларини авлодларига совға-саломлар улашишни онахон қанда қилмасдилар...

Мен кўп йиллар давомида салкам юз чакиримдан Тошкентга “Шарк юлдузи” журналига катнаб ишлаганман. Вақти келиб, публицистика бўлимидан проза бўлимига ўтказдилар. Онажонимиз (қайнонам дейишга ҳеч тилим бормаиди) ҳузурда ўтирар эканмиз, болаларимнинг онасига: “Мени прозага ўтказдилар”, — дедим.

Бу гапни эшитган онамизнинг юзларига нур ва қувонч югуриб, хис-ҳаяжон ила сўраган эди: “Провзаси, ишқилиб уйланингга яқинроқми, балам?!” Шу воқеани эсласам, ҳамон-ҳануз кўзларимга ёш қалқийди, онажонимизнинг нузли, ёқимли сиймоси кўз ўнгимда жонланади...

Мунис оналаримиз, икки оила ҳаёти мисолида гаплар эканмиз, ҳозирги ахвол ва шароитга алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади. Худога шукроналар бўлсинки, юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Айниқса, Юртбошимизнинг тўқис ва шиддатли сиёсати туфайли ҳамма соҳалар баравар ривожланмоқда, Ватанимиз бутун дунё микёсида кўзга кўриниб бораётти. Бағрикенг, гўзал бу давлатда яшаётган одамлар-чи? Нолмаймиш, буюк ўзгаришларни теран хис қилаётганлар сафи кундан-кун кенгаймоқда. Қўдратли Ватанимиз борлигидан фахрланиб, унинг тупроғини кўзларига тўтиб айлалашга ҳар доим шай турганлар шу юрт равнақи учун мудом муносиб ҳисса қўшиб келмоқда...

Маълумки, Ватани онага қилмайсиз. Бинобарин, эл-юрт равнақи эътиборли эканмиз, демек, оналаримизни-да арқоқлашимиз, авайлашимиз, улуғлашимиз шарт. Шу ўринда эркакларга икки оғиз гап айтишга тўғри келади. Аёл зотини назар-писанд қилмай камситувчи эркаклар ҳозир йўқми? Қалтис бу саволга бараварига ижобий жавоб қайтара оламизми?!

Ушбу мақолада оилаларнинг ўтмишидаги янчилик ҳаёти ҳақида бежиз гапирмадик. Яратган аёл зотига шунчалар сабр-бардошни бежиз бермаган. Ҳамма баравар эмас, баъзи бир ношуд, ожиз кимсалар бунинг фарқи ҳам бормаиди, қалрига ҳам етмайди. Айнан шу туфайли айрим аёллар аёлликнинг нузли йўлидан четлаб бормоқда, ҳатто покиза бу оламга доғ туширишдан ҳам қайтмаётти. Бунинг учун ким айбдор? Ушбу саволга фақат ва фақат эркаклар, деб жавоб берамиз! Оилада обр-эътиборли бўлиш, урмай-сўкмай аёлининг хурмат-иззатини қозониш осонми? Шундай незматга эришмоқ учун йиллар, балки бутун умр керак бўлар.

Абдуразоқ ота қандай қилиб Холшакар аянинг хурмат-эътиборини қозонди?! Чунки бу инсон ўзидagi йигитлик шиддати, тасаввур этиб бўлмас буюк бардошни ишга сола олди. Ҳақиқий йигитлик шиддати шу бўлса керак!

Ҳа, чин эътибор ва хурматни қозонмоқ учун фақат эркак бўлиш (эркак барча жонзотларда ҳам бор!) камлик қилади. Бундай даражага етмоқ учун юқорида айтганимиздай, ҳақиқий йигит бўлмоқ лозим!

Фарзандларимизни худди шу асосда эринмай тарбияламоғимиз керак. Шундагина оилалар бўлар-бўлмас иқри-чиқирлар туфайли ажралиб-бузилиб кетмайди. Оила бошлиғи саналмиш отанинг обрўси ҳам тутдек тўкилиб, оёқости бўлмайди.

Мухими, бундай нузли йўлда тобланган йигитлар азиз ва муқаддас Ватанимизни жондек асрайди. Худди шу каби мунис онажонларимизни ҳам кўз қорачиғида авайламоғимиз лозим.



КИТОБНИ ТАНЛАБ ЎҚИНГ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бугунги кунда китобхонликка давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бунинг замирида барча соҳалар бўйича билим, зукко, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам.

2017 йилнинг 9 сентябрида “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. У 2018 йил март ойидан қучга кирди. 22 сентябрда эса, қонуни ижро этишга доир ҳукумат қарори қабул қилиниб, тегишли низоом ишлаб чиқилди. Ана шу низоомга мувофиқ, барча турдаги ахборот манбаларида болаларнинг ёш тоифаси бўйича маркалар ақс эттирилиши шарт. Ёш тоифалари жами бешта бўлиб, “0+”, “7+”, “12+”, “16+”, “18+” деб белгиланади.

Дейлик, ахборот манбанга “0+” белгиси қўйилган бўлса, уни барча ёшдаги болалар ўқиси, кўриши, фойдаланиши мумкин. “18+” белгиси ақс эттирилса, ахборот болалар учун мўлжалланмаганидан далолат беради. Махсус белги ёшга нисбатан нотўғри қўйилган ёки нумуман қўйилмаган бўлса, медиа махсулот ноқонуний, деб топилади.

БАРЧА ЁШ БЕЛГИЛАРИ АХБОРОТ МАНБАСИНИНГ КўРИНАРЛИ ЖОЙИДА, ДАВРИЙ НАШРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САҲИФАСИДА, АГАР КИТОБ МАХСУЛОТИ БўЛСА, ЗАРВАРАГИДА АҚС ЭТТИРИЛИШИ КЕРАК.

Бирок ёш таснифига доир талаб илмий, илмий-техникавий, статистик маълумотларни ўз ичига олган ёки тарихий, бадний, маданий қимматга эга ахборотлар, шунингдек, ўқув адабиётлари, таркибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлган нашрлар, атроф-муҳит ҳолати ёки давлат органларининг фао-

лияти тўғрисидаги ахборотлар, уяли алоқа компанияларининг СМС-xabарларига таъбиқ этилмайди.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи асосан болаларга мўлжалланган китоб ҳамда китоб махсулотлари чоп этишга ихтисослашган. Айтиш керак, юқоридаги қонуни нормалари фаолиятимиздаги айрим ноаниқликларни бартараф этишга ёрдам берди.

ИЛГАРИ ФАҚАТ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБЛАРГА “БИРИНЧИ ЁШ ГУРУХ”, “ИККИНЧИ ЁШ ГУРУХ” ДЕГАН ҚАЙДЛАР ЁЗИБ ҚўЙИЛАРДИ. АММО БУ БАРИБИР КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРМАГАН.

Мана энди, нашриёт томонидан чоп этилган китобларга ёш тоифаси бўйича маркалар мунтазам равишда қўйиб келинмоқда. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Ёш тоифаси ким томонидан аниқланади?

Нашриёт мисолида айтандиган бўлсам, тахририятимиз қошида бадний кенгаш фаолият олиб борапти. Ушбу кенгаш чиқарилаётган китобларнинг мавзуси, жанри, мазмуни, бадний безати, муайян ёшдаги бола ундаги ахборотни қандай қабул қилиши, ахборот унинг руҳияти ва соғлиғига зарар етказиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда ёш тоифасини белгилайди. Агар нашриёт бир тўхтама келолмаса, қўлёзма Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида аккредитациядан ўтган экспертларга тақдим этилади.

Азиз ота-оналар, фарзандингизга китоб танлаётганда уни ўқиб чиқишга ҳолат йўқ. Аниқ ва равшан кўрсатилган ёш таснифи туширилган марка орқали китобни таниб, танлаб олишингиз мумкин.

Даврон УЛУҒМУРОДОВ,
Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири



ARCHALARNIYAM yoqaveraylikmi, (A)yozbobobo?

"Eshitishimcha, Afrikada qish bo'lmamish... Safsata!"

(Multifilmdan)

— Yanvarda havo 30 gradusgacha isirish.
— Kim aytdi?
— Ro'zi buva aytdi.
— Ro'zi buvaga kim aytdi?
— O'g'li aytdi.
— Unga kim aytdi?
— Intimida chiqqanmish-ku...
Ayamdan shuni eshitdim-u, o'y bosdi. O'ylovim barobarida e-eski, bir qadrdonimni esladim. Qog'oz-qalamga munkaydim. Unga-da o'zimni, o'zimni eslatib qo'yish uchun xat yozgim keldi. Tirik bo'lsa, yetib borar... Yetib kelar...

"Assalomu alaykum, Ayozbobo! Sog'omon bormisiz? Qor-qirovli o'rmonlarda charchamasdan, bardamgina yuribsizmi? Biz ham yuribmiz, qish quyoshida toblani-ib... Hayron bo'lmang, bobo, o'zingiz bo'lmagach, shu-da. Holbuki, mana, dekabrning safari qariyapti hamki, ko'k dalam, ko'm-ko'k dalam bo'p yotibti hammayoq: qushlar sayragan, gullar ochilgan, daraxtlar... Aytgancha, daraxtlar. Qiyin-qiyin, shularga qiyin. Kelsangiz kesilib o'tin bo'ladi, kelmasangiz barvaqt gullab, juvonmarg ketadi. Shusiz ham ular ko'p qolmadi

qishlog'imizda. Tut qatorlar tomirigacha qazib olinib, yoqilganigayam ancha bo'ldi. Keyin terakzorlar ketdi. Keyin chinorlar...
Hozir faqat archalar qoldi. Ular ham maktab yo mahalla idoralari tevaragida. Bittasida qorovul, bittasida posbon o'tiradi-da. Yo'qsa-ku ularning ham allaqachon kulini ko'kka sovurardik.
Ayniqsa, maktabdagi archalarning qadri bo'lakcha-da, bobo. Har Yangi yil bayrami arafasida birini kesib, bezatilgan ko'yi sport zalining o'rtasiga

o'rnatishardi (endi hovliga o'rnatishadi — havoga yarasha-da). Borardik, she'r-qo'shiqlar aytardik, sovg'a olib, to'kis holda o'g'uzimiz quloqda qaytardik. Biroq bir safar Qorboboning tovushi sollaribro-oq chiqayotgandek tuyuldi. Yana tanish, kundak-kunora eshitib yurgan tovushimiz. Bilsak, soqoli silkillab, ikki gapining birida uzoq o'lkalardan kelgani-yu hademay qaytib ketajagini uqtirib turgan chol — sinfdoshimiz Abbosning ayasi ekan. Qaytib qatnashmadim bunday bayramlarga.

Uzr, bobojon, o'tlab ketibman. Ha, archalarni aytayotgandim. A? Gaz, deysizmi? Ey-y, buni sizdan kattaroq bobolardan ham so'rab ko'rdik. Xullas, yaqinda tumanimizga viloyat hokimi yetdi. Bir kolleja tuman kattalarini to'plab, mashararat o'tkazibdi. Gapiribdi, gapirtiribdi. Oxir zalga qarab, savollar bor-yo'qligini so'rab tursa, bir bandai noshukur:
— Gaz qachon keladi, hokim buva, — deb qolibdi.

— Gazdan umidni uzinglar! — cho'rt kesibdi hokim ham. — Ballonlarni sozlayveringlar, shu yil gaz buyog'iga.

— A, shu yil gaz ham yigirma kunlardan beri yo'q-ku zapravkalarda? Kim-qayerlardan opkelyapmiz, — debdi boshqasi.

Ana keyin hokim tegishli kattani turg'izib qo'yib, enasiga "ehtiroim" ko'rsatibdi...

Yana o'tladim. E-ey, bobojon. Koshki, qishlog'imizdagina shu ahvol bo'lsa! Shu gal Toshkent yaqinidagi Zangiotaning bir burchagida yashadim. Gaz yo'q hisobi. Kanal bo'yida kapa tikib, eshakaravada o'tin yig'ib-terib yashayotgan butun bir elatni ko'rdim. Yana deng, bir kecha Samarqandning Taylog'ida, kursdosh jigarimning uyida qo'noq bo'ldim. Odamlar topganini pechka-ga tiqyapti. Tappini-ku aytib o'tirmay ("an'ana"mizga aylanib bo'ldi), yog'och qirindisi (qipiq), baklajka e-ey, quruq mevalarning po'chog'igacha yoqishyapti.

Undan oldin Jizzaxga qo'ngandim, bobojon. Shukr, uyoqda ham qadrdonlarim bor. Gaz shamday lipillaydi. Ko'zlarini yetti karra operatsiya qildira-qildir, axiyri mutlaqo ko'rolmay qolgan bir odam bilan tanishdim. Yaxshi odam ekan. Hayotni ko'rib ulguribdi. Rosa gurunglashdik. Qiziq gap aytib oldi orada. "Shu-u Prezident chegaralarni ochi-ib yuborgan uchun ham shunday ha-ar xil havolar kirib kelyaptimi deyman-da, uka" — dedi beozor jilmayib. Kulgim qistadi-yu, kulmadim. O'ziday sodda o'yalarini aytdi-da. Bo'lak o'yalar o'tdi, ammo: chegaradan kirayotganlarni bilma-

dim-u, chegaradan chiqayotganlarning kasri emamikan bu?! Qaysi chegara bo'lardi, bobojon. Insoniylik chegarasidan. Insof chegarasidan. Imon chegarasidan...

Shunday ekan, borib nima qildim, deysizmi? Yo'o-o'q, bobo. Kelmasangiz bo'lmaydi. Xalqimizdan tashvish tortmang. Bu xalq chiniqqan, ko'nikkan, ko'nikuvchan. Dod der, voy der, yig'lab-siqtar... Amallab kunini ko'radida-yey qisqasi.

Daraxtlarga kelsak... Mayli, ura bandasi ursin. Zo'r kelsa, Xudoga solarmiz. Lekin Xudo ura-chi?!..

So'nggi yillar bobosiz o'sayotgan nabirangiz SHERBEK.

SHAKARXANDA



Ota dangasa o'g'liga savol berdi:
— O'g'lim, katta bo'lsang kim bo'lsan?
— Qorbobo bo'laman, dada, — dedi o'g'li.
— Iye, nega Qorbobo? — ajablanib so'radi otasi.
— Agar Qorbobo bo'lsam, bir yilda faqat bir kun ishlayman.

— Onasi, Yangi yilga nima sovg'a qilay?
— Farqi yo'q. Iloji bo'lsa benzinni kam sarflaydigan, avtomat korobkalisidan bo'lsin.

— Iltimos, bir bo'lak tort sadaqa qiling...
— Iye, sen doim non so'rding-ku?
— Ha, lekin bugun Yangi yil.

DILDAGI GAPLAR

BU VATANDAN YAXSHISI YO'Q!

Obidjon RO'ZIBOYEV, talaba

Yangi yil kirib kelyapti. Hamma shod-xurram. Bolalar qo'llarida sharlar ko'targancha o'ynab-kuladi. Har tamonda shox taronalar, yangramoqda. Sadoqat opa, ayni damda bayram dasturxonini zavqu shavqqa to'lib tuzamoqda.

Umud esa, kun ufqqa bosh qo'yngandan buyon derazadan termulib otasini kutardi. Sadoqat opa harchand urinmasin, o'g'lini stol atrofiga o'tqazolmadi. Oxiri jahli chiqdi, yuziga beixtiyor tirsakni tortib yubordi. Umud o'ksib-o'ksib yig'ildi. Ona qilmishidan pushaymon bo'lib: "Oppog'im, xafa bo'lma. Bilaman, kutib-kutib charchading. Endi yosh bola emassan, otang kelguncha menga suyanchig bo'lmang, nima qilaman?" — dedi.

Umud yig'idan to'xtadi, onasiga termulib: "Nega dadam bu safar ham kelmadim?" — deya so'roqladi. Sadoqat opa endi og'iz juftlagan edi hamki, eshik taqilladi. Qorbobo ekan. Umud uning ortidan kimnidir qidirardi. Hech kim yo'qligini bilgach, hafsalasi pir bo'lib: "Otam kelmadimi?" — dedi Qorboboga yuzlanib. Oraga sukunat cho'mdi. Birozdan so'ng, Qorbobo so'z boshladi:

— Umidjon, men aslida sen kutgan haqiqiy Qorbobo emassan.
— Unda kimsiz?
— Qorboboning yordamchisi.
— O'zi qayerda?
— Og'ir betob, hozir shifoxonada davolanyapti.
— Nega? — dedi bola kutilmagan javobdan ko'zlarini katta-katta bo'lib.

— Chunki o'tgan yili bolalarga sovg'a tarqatayotganida chanasini urib tushirishgan.

— Bunga dadamning qanday aloqasi bor?! — ajablandi Umidjon.

— Aslida aytmoqchi eritasdim, ammo sen iltidan qattiq xavotirlanganing, intiq kutayotganing, ba'zan dadangdan behuda qattiq ranjiganing uchun ham aytaman. Sen shunday diyorda tug'ildingki, bayram nimaligini ko'rib o'syapsan. Ammo dunyoning ba'zi mamlakatlarida bolalar Yangi yil musiqasi o'rni qo'yoq o'zovini eshitadi. Bir burda non yeyish orzusida yashaydi. Qora soqolli "qorbobo"lar esa, ularga sovg'a sifatida granata beradi. Mana shu "sovg'a"lar tufayli chaqaloqlar tug'ilmay halok bo'lmoqda. Ular sen kabi do'stlari bilan qishda qor o'ynamaydi, aksincha, sovuqda ota-onasining jasadini qidiradi. Sen otangni kutayapsan, onang yoningda. Ular esa, otasiz tug'ildi, onasiz katta bo'lyapti. Sen maktabga borasan, savodning bor, o'z qo'ling bilan xat yozasan, ammo ular qo'lsiz, oyoqsiz... Dadang shu baxtiqaro bolalarga oz bo'lsa-da quvonch ulashish maqsadida yelib-yuguryapti. Yonib ketgan sovg'alar o'rmini to'ldirish va ularni bolalarga bexatar yetkazish tashvishida yuribdi. Mana ko'rasan, kelasi yili qishda u, albatta, keladi, Qorbobo bilan.

Umidjon bu so'zlarni tinglar ekan, ko'zyoshlarini tiyolmadi. "Dadam kelmasa ham, omon bo'lsa bo'ldi", — dedi bo'g'iq ovoqda.

— Ishon, dadang, albatta, keladi!
— Rostdanim, buni Qorbobo aytdimi?
— Yo'q, men aytayman. Chunki bu Vatandan yaxshisi yo'q dunyoda!

aylangan. 22-martda esa, hindlar yangi yilni qarshi oladi. Laosga ushbu bayram 14-aprelda — aholi yomg'ir mavsumini qarshilayotgan pallada kirib keladi. Birmada esa, aksincha, tropik yog'ingarchilikdan so'ng — 12-17-aprel oralig'ida nishonlanadi. Qizig'i, ushbu mamlakatda bayram sanasini har yili Madaniyat vazirligi belgilaydi. Shodiyonalar uchun davom etadi. Songarkan — Tailanddagi Yangi yil shunday nomlanib, u aprel oyining ikkinchi o'n kunligiga to'g'ri keladi.


Suriyaliklar uchun yangi yil 1-sentabr, Efiopiya esa, 11-sentabrda boshlanadi. Gambiyada 7-oktabr Yangi yil bayramidir. Indoneziyada ham u oktabrga to'g'ri kelgan.
18-noyabr kuni Yamanda, shu oyning o'rtalarida Okeaniya va Gavayi orollarida yangi yil tantanali kutib olinadi. 31-oktabrdan 1-noyabrga o'tar kechasi kelt xalqlari o'z milliy Yangi yili — Saymanu bayramini nishonlaydi. Eskimoslar uchun esa, yangi yil birinchi qor yoqqan kuni kirib keladi.

Muqaddas MUSAYEVA tayyorladi.



"YANGI YIL"

Silimdonlik mashqlari



KROSSVORD.

Yoylar bo'yicha: 1. Yakunlanayotgan yilda obod qishloqqa aylangan Jizzax viloyatidagi maskan. 2. Boshlanayotgan yilda 125 yilligi nishonlanadigan atqoli o'zbek yozuvchisi. 3. Sevimli shirinlik. 4. Huzur, halovat. 5. Yangi yil birinchi bo'lib kirib keladigan mamlakat poytaxti. 6. Yangi yil darakchisi. 7. Inson hayotining beg'ubor davri. 8. Sitrus meva. 9. Xokkey o'yini to'pi. 10. Aloqa vositasi. 11. Hafta kuni. 12. Yilda ellik ikki marta takrorlanadi. 13. Musiqali sahna san'ati. 14. Tanani toblash. 15. Yigirma kilometrlik chang'i poygasida miltiqdan ikki marta nishonga otishdan iborat musobaqa. 16. Tog'likdagi o'tish qulay joy. 17. Tansiq milliy taom. 18. O'zbek xalq raqs kuyi. 19. 2018-yilda Osiyoda eng yosh grossmeyster darajasiga erishgan

o'zbek shaxmatchisining ismi. 20. Sharqona yil hisobi. 21. Markaziy Osiyodagi pasttekislik. 22. Muhim voqea munosabati bilan xursandchilik ruhida o'tadigan marosim. 23. Doim yashil igna bargli daraxt. 24. Vaqt o'lchovi birligi. 25. Ijtimoiy taraqqiyot jarayonlarida ma'lum bir payt, chegara. 26. Telekanallardan biri. 27. Markaziy Osiyodagi eng katta poytaxt shahar. 28. Milliy nonlarimizdan biri. 29. Gulzor maskan. 30. Alisher Navoiy zamondoshi, Toshkentning betakror tabiatini madh etgan asar muallifi. 31. Fransuzlar "muhabbat olmasi" deya ta'rifiyladigan sabzavot. 32. O'zbekistonda ishlab chiqariladigan avtomobil. 33. Qulning shorigi. 34. Qorning erib oqib, qayta muzlashi natijasida hosil bo'lgan cho'zinchoq muz bo'lgi. 35. Mo'tabar kekka inson. 36. Yakun-

lanayotgan yilda o'tkazilgan jahon chempionatining eng mohir futbolchisi.

MUAMMONOMA.

Kalit so'zlar: 1. Ommaviy bayram tomoshalari — 9, 4, 14, 2, 3. 2. Hikmatdan: 14, 10, 11, 3, 2. 13 bekor o'tmasdan ko'p hunarni bilib ol. Umring zoye ketmasdan elga xizmat qilib qol. 3. Maqoldan: 15, 6, 11 uyusida ko'rganini qiladi. 4. Kunning musaffo payti — 8, 10, 5, 7. 5. Gap-gashtalarda ijro etiladigan o'shiq — 12, 3, 4, 5. 6. Muvaffaqiyat, zafar — 16, 4, 3, 4, 1, 4. Kalit so'zlar asosida shakl atrofida muammonomani yeching. Bunda bayram tabrigi hosil bo'ladi.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

O'QING, BU QIZIQ!

YANGI YIL: qayerda, qachon nishonlanadi?

Yaqinda sinfdoshimni uchratib qoldim. U qiziq gapni aytdi: Yangi yilni bir necha marotaba nishonlash mumkin ekan. Hayratlandim. Akmal oydinlik kirirdi.

Uning dadasi qaysidir turistik kompaniyada ishlaydi. Kasb taqozosi bilan ko'pgina davlatlarga borgan.
— Yangi yil hamma joyda ham 31-dekabr kuni kutib olinmas ekan, — dedi Akmal. — Bu bayramni biz kabi 31-dekabrden 1-yanvargacha o'tar kechasi nishonlash Xitoy, Malayziya, Vetnam, Singapur, Koreya Respublikasi, Mo'g'uliston va buddaviylik diniga e'tiqod qiluvchi Sharqiy Osiyoning boshqa mamlakatlariga xos. Lekin, masalan, greklar uchun yangi yil 14-yanvarda kirib keladi. U saxiylik



timsoli Avliyo Vasiliiy kunni deb ham yuritiladi. Markaziy Osiyo xalqlari, Eron, Pokiston, Afg'oniston, Ozarbayjon va qisman Turkiyada kun va tun teng kelgan payt — 21-martda Navro'z bayramini nishonlash qadriyatga

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
Tahrir Hay'ati: Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")
Dizayner: Abdullayev Kurshid, O'ktamjonovich
Navbatchi: Hasan Usmonov
"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.
Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indexlar: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-1236 Adladi — 11057
Boshlega topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 22.30 O'za yakuni — 21.45
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Ofset usulida bosilgan.